



# **O'zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati Hokimi**

## **Q A R O R**

**“ 4 ” aprel 2015 y.**

**98 -son**

**Guliston sh.**

Вилоят ҳокимининг 2014 йил 22 сентябрдаги “Республика, вилоят газета ва журналларига 2015 йил учун обунани ташкил этиш тўғрисида”ги 295-сонли қарорини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш хақида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига, “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига зид равишда вилоят ҳокимининг 2014 йил 22 сентябрдаги “Республика, вилоят газета ва журналларига 2015 йил учун обунани ташкил этиш тўғрисида”ги 295-сонли қарорининг 2-банди билан вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларга обуна бўлиш тақсимои ноконуний тасдиқланган.

Вилоят ҳокимининг 2014 йил 22 сентябрдаги 295-сонли қарорини 2-бандини бекор қилиш ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига асосан **қарор қиламан:**

1. Вилоят прокуратурасининг 2015 йил 27 мартдаги №10/14-14-сонли протести ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига, “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ вилоят ҳокимининг 2014 йил 22 сентябрдаги “Республика, вилоят газета ва журналларига 2015 йил учун обунани ташкил этиш тўғрисида”ги 295-сонли қарорининг 2-банди бекор қилинсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Ф.Бокиев, туман ва шаҳар ҳокимликлари кенг жамоатчилик билан биргаликда вилоятдаги корхона, ташкилот, муассаса ва идоралар ҳамда аҳолининг Республика, вилоят газета ва журналларига 2015 йил учун ихтиёрий обуна бўлишларини инобатга олган ҳолда уларни обуна жараёни билан таништириш ва тарғибот қилиш ишларини олиб борсин.

Вилоят телерадиокомпанияси (Қ.Азизов)га обунани ташкил этиш билан боғлиқ тарғибот ишларини вилоят телевиденияси орқали кенг жамоатчиликка етказиб бориш тавсия қилинсин.

3. Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Ф.Боқиев вилоятда Республика, вилоят газета ва журналларига 2015 йил учун обуна бўйича амалга оширилаётган ишларни кундалик тахлилини қилиб, вилоят ҳокимлиги раҳбариятига ахборот бериб борсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Бўронов ва вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Ф.Боқиев зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими**

**О.Ашурматов**